

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ  
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**КОШАНОВА НИЛУФАР МАХСУДОВНА**

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА СИНФ РАҲБАРЛАРИ  
ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ  
(КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ АСОСИДА)**

**13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical  
sciences**

**Кошанова Нилуфар Махсудовна**

Умумтаълим мактабларида синф раҳбарлари фаолиятини  
ривожлантириш механизмлари (кластер ёндашуви асосида)..... 5

**Кошанова Нилуфар Махсудовна**

Механизмы развития классных руководителей общеобразовательных  
школ (на основе кластерного подхода)..... 26

**Koshanova Nilufar Makhsudovna**

Mechanisms for the development of class teachers in general education  
schools (based on the cluster approach)..... 52

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications ..... 57

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ  
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**КОШАНОВА НИЛУФАР МАХСУДОВНА**

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА СИНФ РАЎБАРЛАРИ  
ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ  
(КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ АСОСИДА)**

**13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Ped2469 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферат уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.cspi.uz](http://www.cspi.uz)) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ходжамқулов Умид Негматович**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Маҳкамов Улфатжон Илхомович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Кадилов Кувондик Айтбаевич**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-ўй.). Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: [cspi\\_kengash@umail.uz](mailto:cspi_kengash@umail.uz)).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-ўй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-27-55; факс: (99870)712-45-41 e-mail: [cspi\\_kengash@umail.uz](mailto:cspi_kengash@umail.uz).)

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Қ.Мардонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, п.ф.д., профессор

**Ф.У.Қодирова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, п.ф.д. (DSc)

**У.Н.Ходжамқулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д. (DSc)

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнлари инсоният ҳамжамияти олдида долзарблиги ва қамрови кун сайин ортиб бораётган талабларни қўймоқда. Таълим инсон капиталига, рақобатбардош ва замонавий кадрлар тайёрлашга йўналтирилган соҳа бўлиб, жамият тараққиётининг асосий омилларидан бири сифатида қаралади. Таълим ташкилотларини замонавий руҳда ислоҳ қилиш, таълим субъектлари ўртасида самарали ҳамкорлик тизимини яратиш бугунги куннинг талабидир. Келажак авлодга замонавий таълим бериш, уларда юксак маънавий фазилатларни шакллантириш, турли хил шакл ва мазмундаги таҳдид ва хуружлардан сақланиш кўникмаларини қарор топтириш ота-оналар, ўқитувчилар-мураббийлар ва тарбиячилар зиммасига тушади. Бу жараёнда мураббийларнинг субъектив ролини ошириш, уларнинг тарбиявий имкониятларини тан олиш, фарзандларимиз маънавий-ахлоқий ривожланиши ва шахсини тарбиялашда уларнинг масъулиятини янада кучайтириш жаҳоннинг самарали илғор тажрибаларини ўрганишни ва шу асосда тизимли илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилади.

Дунёда замонавий педагогик ёндашувлар асосида таълим жараёнини ташкил қилиш, ўқитувчи ва мураббийлар компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган модернизацион дидактик тизимни шакллантириш асосида таълим ва тарбия сифатини оширишнинг самарали шакл, метод ва воситаларини яратишга қаратилган бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу маънода, ўқитувчи-мураббийлар касбий компетентлигини когнитив, мотивацион ва креатив даражаларга мувофиқ ривожлантиришнинг илмий-педагогик асосларини белгилаш, шахсга йўналтирилган таълим муҳити шароитида синф раҳбарларининг лавозим вазифалари бўйича олиб бораётган ишларининг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Умумтаълим мактабларида синф раҳбарларининг фаолиятини ривожлантириш механизмлари тадқиқотчилик фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг таълим-тарбия ва ташкилий-педагогик соҳалардаги кенг қамровли фаолиятини педагогик, психологик, маънавий-маърифий ва ижтимоий-ахлоқий аспектда тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ўқув-педагогик жараёнга замонавий ва халқаро таълим стандартларини жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ҳамда профессор-ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш орқали таълим сифатини халқаро баҳолаш дастурлари талабларига мувофиқ ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз томонидан халқ таълими тизимининг олдида “2030 йилга келиб PISA халқаро миқёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтинги бўйича жаҳоннинг биринчи 30 та илғор мамлакати қаторига киришига эришиш”<sup>1</sup> вазифаси юклатилган. Бу эса

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 5712-сон фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси, 29.04.2019 й.

умумтаълим мактабларида ўқитувчилар билан бир қаторда синф раҳбарларига ҳам катта масъулият юклайди. Ўқувчилар таълим ва тарбиясини яхшилашда синф раҳбарларининг имкониятларини ўрганиш, уларнинг лавозим вазифаларини замонавий талаблар асосида оптималлаштириш, кластер ёндашуви асосида уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш механизмларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Таълим сифати ва қулайлигини ошириш, юксак ахлоқий маданиятга эга баркамол авлодни тарбиялаш таълим тизимининг барча бўғинлари олдидagi муҳим вазифа ҳисобланса-да, таълим турлари ўртасидаги муносабатларнинг тарқоқлиги уларнинг ижросини таъминлашда номувофиқликларни юзага келтирмоқда. Бу эса таълим муассасаларида синф раҳбарлари фаолиятини кластер ёндашуви асосида мувофиқлаштиришни, синф раҳбарлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш механизмларини илмий асосда тадқиқ қилишни тақозо қилади.

Мамлакатимизда таълимни модернизатция қилишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари; 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4119-сон “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги 213-сон “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолият билан боғлиқ бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда кластер ёндашуви асосида синф раҳбарлари фаолиятининг мазмун-моҳияти ва хусусиятларини аниқлаштириш, фаолияти самарадорлигини ошириш масаласи махсус ўрганилмаган бўлса-да, муаммога ёндош бўлган йўналишлар, хусусан, таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш шарт-шароитлари, механизмлари, тарбиявий жараёни яхшилаш, ўқувчилар маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари М.Вахобов, У.Бегумқулов, О.Мусурмонова, М.Маҳмудов, С.Нишонова, М.Юлдашев, Б.Аъзамоваларнинг; глобаллашув шароити ва бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида рақобатбардош

педагог кадрлар тайёрлашда кластер моделининг имкониятлари ва самарадорлиги Ғ.И.Муҳамедов, У.Н.Хўжамқулов, Ш.Қ. Мардонов, Ш. Ботирова, С.А.Тоштемирова, Д. Қаршиева, Х. Султонов, Қ. Маҳмудовларнинг тадқиқотларида ёритилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида мактаб тарбиявий жараёнининг марказий шахсларидан бири сифатида синф раҳбари фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари Ж.М.Болошенко, А.Э.Мельникова, Р.И.Пенькова, М.И.Рожкова, В.П.Созонова; синф раҳбарлари институтининг шаклланиш жараёни ва уларга қўйилаётган замонавий талаблар, мазкур фаолиятнинг давр ва жамият талаблари билан алоқадорлиги масаласи Ф.А.Бобков, А.В.Иванов, Н.К.Гончаров; синф раҳбарларининг ўқувчилар жамоасини шакллантириш ва бошқаришдаги ўрни Н.П.Аникеева, Г.В.Винникова, Ҳ.А.Измаилова, И.П.Иванов, Л.А.Каримова, Т.Е.Конникова, Л.И.Новикова, Н.Л.Селиванова, С.Д.Поляков; мактаб тарбия тизими ва жамоатчилик ишларида синф раҳбари фаолияти мазмуни В.В.Андреева; мактаб ўқувчиларининг ижтимоийлашуви, шахсиятини ривожлантиришда синф раҳбарининг ўрни ва роли В.А.Караковский, Л.И.Новикова, О.С.Газман, Н.Н.Михайлова, Э.Н.Степанов, Н.Е.Щуркова, ўқувчилар жамоаси билан ишлашни самарали режалаштириш шакллари, синф раҳбарининг касбий аҳамиятга эга сифатларини аниқлаш ишлари Н.И.Болдирев, Н.Л.Селиванова, В.Р.Ясницкая, Н.Е.Щурковлар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлардан Ж.Сачс, А.Тоом, Т.Астин, Л.Стамм, П.Ланг, В.Кларк, Слоан, Далтонларнинг тадқиқотларида синф раҳбарининг тарбиявий иш шакллариининг ўзгарувчанлиги, ўқитувчи-тарбиячи шахсини шакллантиришнинг психологик-педагогик жиҳатлари, синф раҳбарларининг педагогик маҳоратини шакллантириш масалалари ўз ифодасини топган.

Синф раҳбарлари фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари, кластер ёндашуви асосида синф раҳбарлари фаолиятини мувофиқлаштириш, таълим ва тарбия ишлари самарадорлигини оширишда синф раҳбарлари ўрни ва аҳамиятини илмий нуқтаи назардан ўрганиш зарурати мазкур диссертациянинг мавзусини белгилаб берди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг “Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари ва амалий механизмлари” мавзусидаги стратегик илмий тадқиқотлар режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** педагогик таълим кластери асосида синф раҳбари фаолияти самарадорлигини ошириш усулларини аниқлаш ва механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

синф раҳбарининг ижтимоий-педагогик функцияси мазмунини аниқлаштириш;

таълим ва тарбия жараёнини кластер ёндашуви асосида ташкил қилиш ва бошқаришда синф раҳбарлари фаолиятининг дидактик имкониятларини очиб бериш;

умумтаълим мактабларида синф раҳбарлари фаолиятини кластер ёндашуви асосида ривожлантиришнинг функционал моделини ишлаб чиқиш;

кластер ёндашуви асосида синф раҳбари фаолиятини ривожлантириш механизмининг дидактик таъминотини такомиллаштириш;

**Тадқиқот объекти** педагогик таълим кластери асосида синф раҳбари фаолияти самарадорлигини ошириш усулларини аниқлаш ва механизмларини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 5-, 21- ва 26-сон, Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 65-сон ва Қорақалпоғистон республикаси Беруний туманидаги 29-сон умумий ўрта таълим мактабларининг 498 нафар ўқувчилари ва 23 нафар синф раҳбарлари иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни кластер ёндашуви асосида синф раҳбарлари фаолияти самарадорлигини ривожлантиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда билиш назариясининг адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий таққослаш, анализ, синтез), диагностик (сўровлар, кузатиш, тест, суҳбат), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш) ва педагогик эксперимент (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш) каби методлар мажмуидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

умумтаълим мактабларида синф раҳбарларининг ижтимоий-педагогик функцияси ва кластер ёндашувига асосланган бошқарув технологияси ўқитувчининг ушбу фаолият учун зарур бўлган шахсий, касбий хислатлари; ташкилотчилик, коммуникатив ва гностик малакалари; дидактик, когнитив, академик, перцептив қобилиятларини ҳисобга олиш асосида ишлаб чиқилган;

таълим ва тарбия жараёнини ташкил қилиш ва бошқаришда синф раҳбарлари фаолиятининг интегратив, мақсадли ва тизимли кластер ҳамкорлигига асосланган дидактик имкониятлари ўқувчиларнинг коммуникатив, ахборот билан ишлаш, умуммаданий таянч компетенциялари ва ижтимоий мослашувчанлик, жамоавий ҳамкорликда ишлай олиш, медиа ва ахборот воситаларидан фойдалана олиш каби хусусий компетенцияларини ривожлантириш асосида аниқлаштирилган;

умумтаълим мактабларида синф раҳбарлари фаолиятини ривожлантиришнинг функционал модели синф раҳбари когнитив фаолиятининг танишув-билиш, тушуниш-қўллаш, таҳлил қилиш-умумлаштириш, рефлексия-баҳолаш каби алгоритмик босқичларини таълим ва тарбия жараёнини фаоллаштирувчи ташкилотчилик ва коммуникатив малакаларига нисбатан адаптив қўллаш ва синф раҳбарларининг функционал мажбуриятларига мувофиқлаштириш асосида ишлаб чиқилган;

синф раҳбари фаолиятини ривожлантириш механизмининг дидактик таъминоти замонавий ўқитувчи концепцияси ва профессиограммаси билан

глобаллашаётган жамиятнинг маънавий-ахлоқий ҳамда таълим ва тарбия билан боғлиқ ижтимоий талабларини дилектик алоқадорликда уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

синф раҳбари фаолияти самарадорлигини ривожлантиришнинг мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

синф раҳбари фаолияти самарадорлигини ривожлантириш бўйича ўқув-услубий мажмуа ва дастурий таъминот ишлаб чиқилган;

умумтаълим мактабларида тарбиявий соатларни ташкил қилиш бўйича интерфаол амалий дарс ишланмалари яратилган;

синф раҳбари фаолияти самарадорлигини ривожлантириш механизмларини амалиётга жорий этишнинг услубий таъминоти ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усулларнинг илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, республикамиз ва хорижлик олимларнинг илмий тадқиқотларига таянилганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти умумтаълим мактабларида синф раҳбарлари фаолиятини ривожлантиришнинг мезонлари ва кўрсаткичлари, синф раҳбари фаолият мазмунининг педагогик-психологик хусусиятлари аниқланганлиги ва таклиф қилинаётган механизмнинг илмий асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти синф раҳбарлари фаолияти самарадорлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий-методик хулосалар, яратилган ўқув - услубий мажмуа ва дастурий таъминот ҳамда синф раҳбари фаолияти самарадорлигини ривожлантириш механизмларини амалиётга жорий этишнинг услубий таъминот материалларидан таълим амалиётининг синф раҳбарлари фаолияти билан боғлиқ жиҳатларни ташкил қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Умумтаълим мактабларида кластер ёндашуви асосида синф раҳбарлари фаолияти самарадорлигини ошириш механизмлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

синф раҳбарлари ижтимоий-педагогик функцияси мазмуни ва мазкур фаолият учун зарур бўлган келажак ўқитувчисининг шахсий, касбий хислатлари; ташкилотчилик, коммуникатив ва гностик малакалари; дидактик, когнитив, академик, перцептив қобилиятлари ҳамда таълим ва тарбия жараёнини ташкил қилиш ва бошқаришда синф раҳбарлари фаолиятининг дидактик имкониятлари ўқитувчининг таянч ва хусусий компетенцияларини ривожлантириш ва оила, мактаб, олий таълим ва бошқа ижтимоий

институтларнинг интегратив, мақсадли ва тизимли кластер ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш бўйича ишлаб чиқилган илмий методик таклиф ва тавсиялардан умумий ўрта таълим мактаблари синф раҳбарларининг фаолиятини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 6 декабрдаги 01/11-01/10-1967-сон маълумотномаси). Натижада, умумий ўрта таълим муассасаларида синф раҳбарлари фаолиятининг таълим ва тарбия жараёнидаги самарадорлигини оширишга эришилган;

умумтаълим мактабларида синф мураббийи фаолияти самарадорлигини оширишдаги янгича ёндашувлар, хусусан, кластер ёндашуви асосида ривожлантиришнинг функционал модели синф раҳбари когнитив фаолиятининг танишув-билиш, тушуниш-қўллаш, таҳлил қилиш-умумлаштириш, рефлексия-баҳолаш каби алгоритмик босқичлари, замонавий педагогик технологиялар, ота-она таълим салоҳиятини оширишда мураббий фаолиятининг аҳамияти ва шу асосда таълим сифати самарадорлигини ошириш, педагогик ва технологик тизимни такомиллаштириш, умумтаълим мактабларида таълим ва тарбиявий жараён сифатини ошириш бўйича синф мураббийи билан таълим субъектлари ҳамкорлигини ривожлантириш борасида ишлаб чиқилган илмий методик тавсиялардан ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 8 июлдаги 26-01-116-сон далолатномаси). Натижада, тадқиқот иши таълим турлари ҳамкорлигини янада кучайтиришга, таълим жараёни субъектлари ҳамкорлигини ривожлантиришга, умумтаълим сифат самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

глобаллашаётган жамият шароитида синф раҳбари фаолиятини ривожлантириш механизмининг дидактик таъминоти, келажак ўқитувчиси концепцияси ва замонавий ўқитувчи профессиограммаси бўйича илмий-методик тавсиялардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясидаги “Ўзбекистон тарихи” телеканалида эфирга узатилган “Тақдимот” кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 10 декабрдаги 01/40/-1852-сон маълумотномаси). Натижада, кўрсатувнинг мазмунини ёшлар маънавиятини ёт таъсирлардан ҳимоя қилиш ва уларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш ғояси асосида бойитишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича 21 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда жами 10 та илмий мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг асосий ҳажми 160 саҳифани ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Диссертациянинг кириш қисмида** муаммонинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот ишининг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларининг баёни ва уни амалиётга жорий қилиш натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Синф раҳбарлари фаолияти таълим ва тарбиянинг муҳим омили сифатида”** деб номланган биринчи бобида илмий адабиётларни таҳлил қилиш асосида кўриб чиқиладиган муаммонинг асосий жиҳатлари, хусусан, умумтаълим мактабларида мураббийлик фаолияти тадрижи ва унинг мазмуни тўғрисида тўхталиб ўтилган. Мактабларда синф раҳбарлари фаолиятини ташкил қилиш тизими меъёрий ҳуқуқий асослар орқали таҳлил этилган. Синф мураббийи лавозимининг таълим соҳасига кириб келиш тарихи ҳар бир даврнинг ўзига хос тенденциялари, ривожланиш ва пасайиш кўрсаткичлари билан тавсифлаб ўтилган. МДХ давлатлари олимлари томонидан айнан тадқиқот мавзуси бўйича билдирилган фикрлар таҳлил этилган, жумладан, Россия таълим соҳасида 1871 йилдан расман мураббийлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилган, уларнинг вазифалари аниқ белгиланган ва бу 1917 йилгача сақланиб қолган. Бироқ синф раҳбарлари ўз фаолиятида фақат тартибни сақлаш ва кузатиш билан чекланган, бунинг энг асосий сабаби сифатида синф раҳбари фаолияти учун тўланадиган иш ҳақи жуда кам бўлиб, ўқитувчи иш ҳақи билан солиштирганда 15 баробар кам эканлиги асослаб ўтилган. 1917 йил Россия инқилобидан кейинги даврга келиб ёш авлод тарбияси вазифасини гуруҳ раҳбарлари (1917-1934 йй.) ва синф раҳбарлари (1934 й.дан) амалга оширди. 1934-1941 йиллар оралиғида бу лавозим эгалари синфда тарбиявий ишларни тизимли ташкил этишга масъул бўлган, Уруш даврига келиб эса (1941-1945 йй.), улар ёшларни бирлаштирувчи куч сифатида эътироф этила бошланган. 40-йилларда синф раҳбари фаолиятига янада жиддий эътибор қаратилиб, улар ўқувчининг ўқув жараёнини бевосита кузатиши, таълим ва тарбиясини муваффақиятли амалга оширишга ёрдам бериши, ҳар бир ўқувчи фаолиятини синковлик билан ўрганиши зарурлиги таъкидланди ва меъёрий ҳуқуқий асослар билан таъминланди.

1970 йилда мактабларнинг тўлиқ умумий ўрта таълимга ўтиши муносабати билан бу лавозимга эҳтиёж ортиб, синф мураббийлари фаолияти мазмуни ўқувчиларни тарбиялашда шахсий ёндашувнинг мавжудлиги, яъни ижобий йўналишлар билан бир қаторда катта юкланишлар, турли меҳнат

турлари (қишлоқ хўжалик ишлари, турли жамоавий иш шакллари)га жалб қилиш билан ажралиб турарди. 80-йилларда жамиятдаги иқтисодий-ижтимоий муаммоларнинг кўпайиши барча соҳалар каби таълим тизимига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Ушбу жараёнда ўқувчиларни тарбиялаш муаммоси ва синф раҳбари ролига янада кўпроқ эътибор бериш зарурати юзага келган эди. Синф раҳбарларининг ваколатларининг ўзгаришига тарихий давр ҳам ўз таъсирини кўрсатганлиги, уларнинг хизматларига нисбатан давлат томонидан қаратилган эътибор манбалар асосида ифодалаб ўтилган.

Мустақиллик йилларида таълим соҳасидаги ислохатлар бугунги бозор иқтисодиёти ва глобаллашув шароитида соғлом рақобатбардош авлодни тарбиялаш масаласини устувор аҳамиятга эга вазифа сифатида белгилаб берди. Шу муносабатдан келиб чиқиб, таълим тўғрисидаги қонунлар такомиллаштирилди, кадрлар тайёрлаш тизими механизмлари ислох қилинди. Тадқиқотда синф мураббийи фаолиятининг мустақиллик йилларидаги фаолияти таҳлил қилинар экан, ушбу лавозим билан боғлиқ ўзгаришлар асослаб ўтилди, бунда тадрижий даврларда учрамаган ўзига хос жиҳат, яъни синф мураббийи фаолиятини баҳолаш мезонларининг ҳам ташкил қилинганлигига катта эътибор қаратилди, жумладан, қуйи синфларда (1-4) ва 5-синфдан бошлаб ягона синф раҳбарининг жорий этилиши; синф раҳбаридан талаб қилинадиган мезонларда уларнинг ўз хулқи ва одоб-ахлоқи билан ўрнатилган бўла оладиган ходимлардан бўлиши лозимлиги; улар ҳолатининг руҳий барқарор бўлиши лозимлиги ҳам келтирилган.

Мазкур бобда синф раҳбари фаолиятининг мазмун-моҳияти бўйича ҳам атрофлича тўхталиб ўтилган бўлиб, рус тадқиқотчиларининг бу фаолият бўйича билдирилган илмий мулоҳазалари таҳлил этилган ва муаллифлик илмий фаразлари тақдим қилган.

Рус тадқиқотчилари Г.П.Буданова ва Л.Н.Буйлова, синф раҳбарининг фаолиятини фан ўқитувчиларининг касбий фаолияти, яъни, асосий педагогик фаолиятига қўшимча равишда амалга ошириладиган вазифаси сифатида белгилайди. Т.Земцова эса, синф раҳбарлари фаолиятининг асосий йўналиши сифатида бир-биридан фарқли 2 та йўналишни, яъни тарбиячи ва аниқ вазифани бажарувчи йўналишларни ажратиб кўрсатади. Т. Земцова синф раҳбари учун бу икки йўналишни бир вақтда замонавий талаблар асосида бажариш қийинлигини таъкидлаб, биринчи йўналишни бажаришда синф раҳбари педагоглар ёрдамига муҳтожлигини, аммо иккинчи йўналишдаги вазифани эса, яқка ўзи бажара олиши мумкинлигини эътироф этади.

Биринчи йўналиш, яъни тарбиячи йўналиши бўйича синф раҳбарлари фаолияти мазмунини кўплаб педагог олимлар, жумладан, М.И.Рожков, Е.Н.Степанов, Н.Е.Щуркова ва бошқалар келтириб ўтган, педагогик назария ва амалиётда тарбиявий ишларнинг кўп шакллари яратилган. Шу ўринда М.И.Рожков тарбиявий иш шакллариининг ниҳоятда кўплиги, ҳар бир шакл бошқасини такрорламаслиги, аммо унга ўхшаш бўлиши мумкинлигини изоҳлайди. Т.Земцова ва М.Рожковларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда айтиш мумкинки, тарбия шакллариининг ниҳоятда кўп ва хилма-хиллиги бир томондан ушбу лавозим эгаларининг ҳар томонлама универсал бўлишини

тақозо қилса, иккинчидан лавозим вазифаларини тўлақонли бажаришни қийинлаштиради.

Е.Н.Баришников синф раҳбарларини аниқ вазифани бажарувчи назоратчи сифатида кўрсатади, яъни, уларнинг фаолиятининг асосий мазмуни сифатида таълим жараёнида ўқувчиларнинг муваффақиятли ўзлаштириши, дарс жараёнидаги ўқувчилар иштироки, мавжуд қонунларга ва мактаб жамоасидаги ахлоқий нормаларга ўқувчиларнинг риоя қилишини тартибга солувчи назоратчи педагог сифатида тавсифлайди. Шунини айтиб ўтиш керакки, назорат вазифасини амалга ошириш ижобий натижаларни аниқлашни ва шу билан бирга салбий натижаларни, мавжуд камчиликларнинг сабабларини, тарбия жараёнидаги муаммоларни ҳам назарда тутати. Демак синф раҳбарлари фаолияти режалаштириш, таълимни оқилона тақсимлаш ҳамда мувофиқлаштириш учун мўлжалланган фаолиятдир. Тадқиқотда синф раҳбарлар фаолиятидаги бугунги кун талабларига хос вазифалар изоҳланган ва атрофлича асослаб ўтилган.

Синф раҳбари ўқувчининг таълимий ва тарбиявий даражасини ошириш билан бир қаторда, уни ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш вазифасида ҳам катта ўрни бўлиб, бунда ўқувчини атроф-муҳитнинг салбий таъсиридан ижтимоий ҳимоя қилиш вазифаси устувор аҳамиятга эга. Ижтимоий ҳимоя - бу жисмоний, ақлий ва маънавий- ахлоқий шаклланиш, ривожланиш, нормал шароит, онгли равишда тартибга солинган амалий ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, психологик, педагогик, иқтисодий, тиббий ва экологик чора -тадбирлар тизими, болалар ҳуқуқлари ва инсоний кадр-қимматининг бузилишининг олдини олишдир. Ижтимоий функцияни амалга ошириш, мавжуд ижтимоий-иқтисодий шароитда боланинг муносиб ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутати.

Диагностик функция эса, синф раҳбари томонидан ўқувчилар ҳолати (руҳий, ақлий, ахлоқий)даги бошланғич босқични аниқлаш ва ўқувчилар тарбиясидаги ўзгаришларни доимий аниқлашни назарда тутати. Бу боланинг шахсияти ва индивидуаллигини ўрганишга, уларни таҳлил қилишга, олинган натижаларнинг самарасизлиги сабабларини излашга ва яхлит педагогик жараённи тавсифлашга қаратилган.

Синф раҳбарларининг диагностик вазифаси қуйидаги йўналишларида олиб борилади: ўқувчи, унинг оиласи ва ота-онаси, синф жамоаси бўйича маълумот тўплаш; дастлабки ташхис маълумотларини кейингиси билан солиштириш; ўзлаштиш даражаси, индивидуал ривожланишининг салбий ва ижобий жиҳатларини аниқлаш бўйича таҳлил қилиб бориш; юз бераётган ўзгаришларни тушуниш орқали мазмунини англаш; диагностик жараён натижалари бўйича ўқувчиларнинг ота-оналари ва бошқа ўқитувчиларни хабардор қилиш; турли диагностика усуллари орқали субъектнинг объектга таъсирини текшириш ва ҳоказо.

Синф раҳбарининг касбий маданияти ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, унинг бир қатор таркибий қисмлари келтириб ўтилган.

Тадқиқот мавзусининг таҳлиллари ва илмий фаразлари натижасида синф раҳбари тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: синф раҳбари – бу ота-

оналар, (боланинг қонуний вакиллари) ўқитувчилар ва бошқа таълим субъектлари билан биргаликда ўқувчининг индивидуал ўқув траекториясини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, ижтимоий-маданий, маънавий-ахлоқий, умумэътироф этилган хулқ-атвор қоидалари ва талаблари асосида ҳар бир ўқувчининг жамиятда муваффақиятли ижтимоийлашуви, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини англаши учун кўмаклашувчи, бола манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилувчи таълим субъекти, жамият ва бола ўртасида маънавий воситачи, кординатор. Демак ушбу лавозим шунчаки мажбурият эмас, балки туганмас ижодкорона фаолият ва юқори даражадаги маъсулият ҳамдир.

Ишда синф раҳбари фаолиятининг гностик, назорат қилувчи, конструктив, коммуникатив ҳамда ташкилий компонентлари келтирилган, ҳар бир фаолиятнинг мазмуни атрофлича изоҳланган. Синф раҳбари вазифаларини мутлоқлаштирган ҳолда, унинг таснифини тақдим қилган. Унга кўра синф раҳбарининг таҳлил қилиш, башорат қилиш, ташкилотчилик, мувофиқлаштириш, назорат қилиш, коммуникативлик, мобиллик, ижтимоийлик ҳамда таълимий вазифалари ажратиб кўрсатилган.

Сўнги йилларда таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида синф раҳбарлари институти ўрнига синф ўқувчиларининг шахсий муаммоларини ҳал қилишда ёрдам берадиган, уларнинг индивидуал таълим траекторияларини яратадиган тўтор лавозими кириб келмоқда. Бизнинг мамлакатимизда ушбу лавозим дастлаб 2021 йилдан олий таълим тизимига киритилди. Тўтор сўз лотинча “tutor” - ғамхўрлик қилиш, ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлиб “ҳимоячи”, “ҳомий”, “кўриқчи” маъноларини билдиради. Тўтор тузатишга эмас, хатоларни кўрсатиш учун эмас, балки хатоларга йўл қўймаслик ҳолатига кўпроқ маъсулдир (масалан, нотўғри режалаштириш, ўзини жамоада ташкил қила олмаслик). Тўторлар фанлардан дарс бермайди балки, бутун диққат-эътиборини тарбиявий ишларга қаратади. Бизнинг фикримизча, тўторларни ҳеч қандай тайёргарликсиз, ушбу лавозим бўйича етарли педагогик компонентларга эга бўлмасдан лавозимларга тайинланиши кўзланган самарани бермаслиги мумкин, педагогик форумларда ушбу лавозимнинг ижобий ва салбий томонлари муҳокама қилинмаганлиги таъкидлаб ўтилган.

Синф раҳбари фаолиятида бошқарувнинг бир қатор ижтимоий хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар оқилона қарор қабул қилиш, инсоний муаммоларни ҳал қилишда инсонпарварлик, ижодий бошқариш, синф раҳбарининг жамоа аъзолари билан мулоқат қилиш, жамоани ҳис қилиш каби хусусиятларга ажратилган. Синф раҳбарлари фаолиятининг мамлакатимиз меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларида келтирилган тартиблари ва мезонларининг жорий таҳлили олиб борилган, муаллифлик муносабатлари келтирилган.

Синф раҳбари фаолиятини ташкил қилиш бўйича олиб борилган жорий таҳлил давомида мавжуд бўлган камчиликлар таснифларга ажратилган ҳолда, батафсил тавсифлаб ўтилган: таълим сифати билан боғлиқ камчиликлар; тарбиявий ишларни ташкил қилиш билан боғлиқ камчиликлар; ота-оналар билан ишлаш борасидаги камчиликлар; услубий -методик муаммолар.

Шу билан бирга синф раҳбари фаолиятининг тўғри ташкил қилинишида муҳим бўлган ватанпарвар, комил шахсни тарбиялаш бўйича фаолиятини муваффақиятли мувофиқлаштириш; психология ва педагогика бўйича саводхонликни ошириш; ўз фаолиятини лойиҳалаштиришда билим ва кўникмаларга эга бўлиши; ижтимоий маъсулият ва меҳнат мотивациясини ривожлантириш ва ҳ.з.лар келтириб ўтилган.

Синф раҳбари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, жумладан, тадқиқотга лаёқатлилик, касбий ҳаракатчанлик, рақобатбардошлик, коммуникативлик, ишбилармонлик, натижага йўналтирилган ҳаракатчанлик, мустақиллик ва ижодкорлик кабилар баён этилган. Бу лавозим самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар санаб ўтилган.

Биринчи боб сўнггида синф раҳбарлари фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида улар фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан синф жамоаси билан ишлаш лаёқатининг мавжудлиги, юқори даражадаги маъсулият, таълим субъектларининг бирдамлиги, ҳамфикрлиги, таълим муассасасидаги рағбатлантирувчи - мотивацион муҳит билан бевосита боғлиқ, деган хулосага келинган ва тавсиялар тақдим этилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Таълим сифатини оширишда синф раҳбарлари фаолиятининг ўрни”** деб номланган. Мазкур боб умумий ўрта таълим мактабларида синф раҳбарининг таълим сифатини бошқаришдаги ўрни, синф раҳбари фаолиятини ривожлантиришда инновацион ёндашувларни, жумладан, кластер ёндашувини жорий этиш, тарбиявий ишларни такомиллаштириш ҳамда бу жараёнларда ота-оналарнинг тарбиявий ролини ошириш муаммосининг назарий жиҳатлари асосланган.

Ушбу бобда дастлаб “таълим”, “сифат”, “таълим сифати” тушунчасининг изоҳланишига тўхталиб ўтилган, манбаларда келтирилган мулоҳаза ва илмий фаразларини таҳлил қилган ҳолда хулосалар келтирилган. Таълим сифатининг таркибий қисмлари сифатида натижа, шароит ва жараён сифатига алоҳида тўхталиб, бу таркибий қисмларнинг асосий компонентлари изоҳланган. Таълим сифатини оширишда синф раҳбарларининг ўрни таълим олувчиларнинг ўқув жараёнларидаги таълимий ва тарбиявий ҳолатини яхшилашда, ўқувчиларнинг касбий қизиқишларида, соҳавий йўналишларини аниқлашда, ижтимоийлашувида алоҳида аҳамиятга эга.

Синф раҳбарлари фаолиятида касбга йўналтириш бирламчи вазифалар қаторига киради, чунки умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни касбга йўналтириш ишларида синф раҳбари, мактаб руҳшуноси ҳамда фан ўқитувчилари масъул бўлиб, ушбу жараёнда синф раҳбари марказий фигура ҳисобланади. Синф раҳбарининг ўқувчини касбга йўналтириш фаолиятида қуйидаги таркибий қисмлар мавжуд: касбий таълим, касбий фаоллаштириш, профессионал маслаҳат, касбий мослашув. Шу ўринда синф раҳбарининг касбга йўналтириш ишларидаги вазифалари белгилаб ўтилган.

Бугунги кунда синф раҳбарининг таълим сифати субъектларига таъсир кўрсатиш механизмлари тўлиқ ишлаб чиқилмаган ва бу борада синф раҳбарларига етарли даражада ваколат ва имкониятлар берилмаган. Синф раҳбарининг ишлаш режаси ички ва ташқи эҳтиёжлар ҳамда имкониятларни

ҳисобга олган ҳолда пухта ишлаб чиқилиши лозим. Режалаштириш синф раҳбарлари фаолиятида тўхтамайдиган жараён бўлиб, у ижодий ёндашилган ҳолда доимий ўзгарувчан аҳамиятга эга.

Синф раҳбари фаолиятида таълимий ишларни режалаштириш догматик ҳолатда бўлмаслиги, синф жамоаси ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини, тарбиявий вазиятларни ҳисобга олган ҳолда режани ташқи ва мазмунан ўзгартириш мумкин ва бу синф раҳбарининг таълим сифатини бошқаришдаги алгоритмик фаолиятини ҳам ифодалаб беради.

Иккинчи бобда синф раҳбари фаолиятини режалаштиришдаги мақбуллик тамойилининг аҳамияти баёт этилган, иш режасини ташкил қилишдаги талаблар келтирилган. Замонавий мактабга хос иш режалар тақдим қилинган. Синф раҳбарлари фаолиятида синфдан ташқари ишларнинг ҳам тўғри режалаштирилиши болаларнинг бўш вақтини самарали ва мақсадли ташкил қилинишини, ўзлаштириши паст ўқувчиларнинг таълим сифтини оширишга хизмат қилади.

Синфдан ташқари ишларни режалаштиришда қуйидагилар ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ: режалаштирилган тадбирларнинг шакллари ва усуллари, самарадорлиги ва синфга ижобий таъсирга эга эканлиги; умумий ва яқка тартибда ишлаш шакллари; ота-оналар билан олиб бориладиган фаолият шакллари; жамоатчилик билан ишлаш шакллари; ҳозирги босқичда тарбиявий ишларнинг вазифаларини белгилайдиган давлат ҳужжатлари билан танишиши; синфда ўқув ишларини ташкил этишни тартибга солувчи мактаб ҳужжатларини ўрганиши; болаларнинг ёш хусусиятларини ўрганиш ва уларга асосланиб, ўқув ишларининг мақсад ва вазифаларини аниқлаши; синф жамоасининг ривожланиш динамикасини таҳлил қилиш ва ҳоказо. Синф раҳбарлари иш режасини такомиллаштиришда бир қатор тавсиялар тизими ишлаб чиқилди.

Мақсадларга эришиш воситаларини танлаш, муаммоларни ҳал қилиш, натижаларни кузатиш ва баҳолаш усуллари кўрсатиб ўтилди.

Синф раҳбарлари ишларини режалаштиришда амал қилиш керак бўлган қоидалар тақдим қилинган. Синф раҳбари тарбиявий ишларни режалаштиришга қанчалик чуқурроқ ва жиддийроқ ёндошса, синф жамоасининг ҳаётининг ривожланиши ҳам шунчалик хавфсиз бўлади. Ушбу лавозим эгасини кўпчилик асосан тарбиявий жараёнга маъсул назоратчи - педагог сифатида тасаввур қилади. Ваҳоланки, тарбияни таълимдан, таълимни тарбиядан ажратган ҳолда педагогик мақсадга эришиб бўлмайди. Таълим сифатини оширишда синф раҳбарларининг ўрни иш режасида ҳам ўз аксини топиши лозим.

Синф раҳбарлари фаолиятида қуйидаги тамойилларни муҳим деб ҳисобланди: маълум бир вазиятни, имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мақсадларни белгилаш; узлуксизлик тамойилига риоя қилиш; изчиллик - мақсадга эришиш жараёнига барча иштирокчиларни киритиш; аниқлик - мумкин бўлган натижага эришиш йўналиши; диагностика - педагогик жараённинг барча иштирокчиларининг эҳтиёжлари ва имкониятларини доимий ўрганиш асосида мақсадларни олдинга силжитиш, асослаш ва созлаш.

Тадқиқотнинг инновацион томони синф раҳбари фаолиятини ривожлантиришда кластерли ёндашувнинг жорий этилиши бўлиб, таълим субъектларининг бир-биридан тарқоқ ҳаракат қилиши таълим самарадорлигини пасайтирувчи омил сифатида эътироф этилади. Таълим ва тарбия сифатини яхшилаш таълим турлари ва субъектлари ўртасидаги фаол интеграцион муҳит яратилиши зарурати билан бевосита боғлиқ экан, бу борада самарали ёндашувлардан бири таълим кластеридир. Тадқиқотда мамлакатимизда педагогик таълимга татбиқ этилган таълим кластерининг назарий ва амалий асосларини баён этган олимларимиз ишларини таҳлил қилган ҳолда ёндашилди, улар томонидан тақдим қилинган кластер моделининг механизмлари синф раҳбари фаолиятига йўналтирилди.

Маълумки, кластерлар ҳақидаги илмий ғоялар бир неча иқтисодий мактаблар (Маршалл, Шумпетер, Кругмаиа ва бошқалар) таъсири остида ривожланди ва бир-биридан жуда фарқ қилади. XIX асрда А.Маршалл “Иқтисодиёт фанининг тамойиллари” асаридаги “Иқтисослашган тармоқларнинг маълум ҳудудларда концентрацияси” мавзусида фирмаларнинг яқинлиги ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги ўртасидаги боғлиқлик мавжуд афзалликлар ва географик яқинликдан фойда олиш мақсадида амалга оширилиши ҳақида ёзади. Бунда кластер атамаси қўлланилмаган бўлсада, аммо, бу тизим ҳақидаги тушунчалар дастлаб иқтисодчилар томонидан талқин қилинган.

Ҳозирги кунда “кластер” тушунчаси энг кенг тарқалган тушунчалардан бирига айланмоқда ва бошқа билим соҳаларига нисбатан ҳам қўлланилмоқда. Махсус адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, бу тушунчага таъриф беришда ягона ёндашув йўқ. Кластернинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагича таснифлаб ўтилди.

Таълим кластерида умумий ўрта ва олий таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар моделларини ишлаб чиқишда, таълим муассасаларига ўз ривожланиш йўлини танлаш имкониятини беришда амалга ошириладиган очиклик ўзаро таъсир тамойилларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Таълим кластерида субъектларнинг ўзаро таъсир тамойиллари қуйидагича белгиланади: ҳудудий яқинлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, мавжуд база ва ресурслардан биргаликда фойдаланиш; мослашувчанлик тамойили, таълим муассасаларининг ижтимоий муҳит билан ўзаро алоқада бўлишини таъминлайдиган ўзаро муносабатларнинг уйғунлигини таъминлаш; узвийлик, узлуксизлик ва изчиллик тамойили; таъсирчанлик тамойили таълим муассасалари ривожланишининг яқин истиқболларга йўналтирилган бўлиб, ўқувчилар ва ота-оналарга таълим олиш имкониятини беради; таълим муассасаси жойлашган минтақа жамияти муҳитининг таълим муассасаси маданиятидан максимал даражада фойдаланишга ёрдам берадиган маданий келишувнинг маданий уйғунлиги тамойили.


Ҳамкорлик тамойили иқтидорли болалар ва ўсмирларнинг шахсий ривожланиши, ўз-ўзини англаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишда намоён бўлади. Катталар ва болаларнинг биргаликдаги

ҳаёт фаолиятини ташкил қилиш кўмаклашади. Таълим кластери - бу анча мослашувчан тузилма бўлиб тўпланган муаммоларни ҳал қилиш учун таълим фаолияти атрофида вазифалар ва маълум натижага эришиш учун бир - бирига боғланган муассасалар ва гуруҳларни ўз ичига олади. Демак, кластер ёндашувининг таълимга нисбатан татбиқ қилиниши соҳанинг ривожланиши учун қўшимча имкониятлар берадиган, таълимда узвийлик, узлуксизлик ва изчилликни таъминлайдиган ўзаро ҳамкорлик, рақобат, назорат ва манфаатдорлик муҳитини юзага келтирадиган, инновацион, самарадор ва тезкор мулоқот билан кечадиган ёндашув ҳисобланади. Таълимга нисбатан кластер модели таълим-фан-ишлаб чиқариш тизимида инновацияларни қўллаб-қувватлашни шакллантириш воситаси, рақобатбардош самарадорликка эришишдан манфаатдор бўлган соҳалар бирлашининг ташкилий шакллари кучайтириш механизмидир.

Рус олими А.В. Шайдуллина илмий жиҳтдан таълим кластерининг бошқа кластерлар билан муносабатдаги таълим компонентлари (таълим, маданият, маърифат, спорт ва таълим ва бошқалар) бўлган бир нечта вазифаларини, жумладан, мувофиқлаштирувчи, синергик, башоратли, олдиндан сезувчи, бирлаштирувчи, корпоратив, ахборот, қайта ташкил этиш вазифаларини санаб беради. Бунда таълим кластерининг асосий ва бирламчи вазифаси сифатида назорат қилишни кўрсатади. Айнан назорат вазифаси тарқоқ ҳаракат қилаётган таълим субъектлари фаолиятининг ижобий томонга ўзгаришида аҳамиятли ҳисобланади. Демак юқоридаги фикрлардан келиб чиқадиган бўлсак, кластерга бирлашган барча субъектлар, тузилмалар бундан манфаатдор, аммо бирорта тузилма ўз фаолиятда оқсайдиган бўлса кўзланган натижага эришиб бўлмаслигини хулоса қилиш мумкин. Таълим кластерининг бирламчи мақсади - касбий тайёргарлик сифатни яхшилаш, ишлаб чиқаришда юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондириш ҳисобланади. Кластер тизими бўйича турли олимлар томонидан берилган фикрларни таҳлил қилиш жараёнида унинг қуйидаги тамойиллари мавжудлигини асосланганлиги: ўзаро тенглик таълим кластерларининг энг муҳим жиҳатларидан бири (бунда олий таълим, ўрта таълим, мактабгача таълим тизими билан, умуман олганда барча субъектларнинг тенг мақомда бўлиши назарда тутилади; натижалар учун ҳар бир иштирокчининг жавобгарлигини шакллантириш тамойили; мустаҳкам алоқаларга асосланган узоқ муддатли ҳамкорлик тамойили; доимий равишда маълумотлар алмашинуви; интеграцион табиатига асосланган мураккаблик тамойили.

Синф раҳбарлиги фаолияти самарадорлигини таъминлашда кластер ҳамкорлигининг асосий йўналишлари ва функционал модели ишлаб чиқилган. (1-расмга қarang).

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, лицей ва касб-ҳунар мактабларида таълим сифатининг юқори ёки паст даражада бўлиши олий таълим тизими фаолиятининг тўғри ташкил қилиниши билан ҳам чамбарчас боғланган. Шу нуқтаи назардан ОТМ ларда қуйидаги устувор вазифалар бажарилиши муҳим:



1-расм. Кластер ёндашуви асосида синф раҳбари фаолиятини ривожлантиришнинг функционал модели

1. Ўқитувчиларнинг касбий ва педагогик фаолиятга тайёргарлигига юқори талабларнинг қўйилиши зарурати, бўлажак ўқитувчиларни сифатли тайёрлаш (битурувчилар сони эмас сифатига эътибор қаратилиши лозимлиги);

2. Креатив фикрлайдиган, ўз ишига маъсулиятли педагогларни тарбиялаш тизимининг йўлга қўйилганлиги (олий ўқув юртида эркин фикрлаш, ташаббус ва ижодкорликнинг қўллаб-қувватланиши);

3. Таълим турлари билан билан мунтазам алоқада бўлиш, мавжуд муаммолар билан қизиқиш;

4. Ўқитувчилар малакасини ошириш ишларини тизимли ва замонавий руҳда амалга ошириш ва хоказо;

